



190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 23 " октябрь

К-1649 -sonli

**Тумандаги "Rouf-baraka-bog'i"
боғдорчиликка ихтисослашган
фермер хўжалигини ташкил
этиш ва ижарага ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 27 июлдаги 40-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 27 июлдаги 40-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Мусурмонқулов Ўктам бошлиқ "Rouf-baraka-bog'i" боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда Ўзбекистон массиви "Чукирли" маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 359к, 370к, 372к-дала контурларда жойлашган жами 10,30 гектар, шундан 9,41 гектар яйлов, 0,50 гектар сойлик, 0,39 гектар йўл, ер майдони 40 (қирк) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-банди талабига асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олинishi белгилаб қўйилсин.

5. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “Rouf-baraka-bog’i” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

Кумкурган туман Хок
Р.Гаппаровга


Кумкурган тумани
«Чукирли» маҳалласидан
яшовчи фуқаро
Мусурмонкулов Уктам
томонидан

АРИЗА

Мен ушбу аризани шу ҳақидаким мен ҳозирги
ишсизман, 5 нафар фарзандим бор. Шу сабабли яшаш
туман ҳокимлиги захирасида турган 359-3
рдаги 22- лойиҳадаги танловга қуйилган яйло
ан Янги мевали бог ҳамда чорвачилик
ишим учун узим ва фарзандларимни иш билан таъ
ййлов ер майдонидан 10,30 (ун, уттиз) гектар ер м
ришингизни сурайман.

MARKSUN /
1398/0141
INAD: 28.06.20

06. 2020 йил.

Мусурмонкулов Уктам 

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

2020 йил « 29 » июнь

Қумқўрғон тумани

№ 504

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон тумани “Чўкирли” маҳалласида яшовчи фуқара Мусурмонқулов Ўктамга боғдорчилик фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида

Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқара Мусурмонқулов Ўктамга (АС1858480 фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи 22 йил
2. Маълумоти ўрта.
3. Талабгорнинг 6 бош қорамоли ва 48 бош қўй-эчки, 50 бош паррандаси мавжуд.
4. Талабгорнинг МТЗ-80 трактори тиркамаси билан, кобальт автомашинаси мавжуд.
5. Талабгорнинг 5 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгор мавжуд 25 сотих томорқасига ер ёнғоқ ва маккажўхори экини экиб самарали фойдаланиб келмоқда.
8. Талабгор ўтказиладиган тендер танловнинг 22-лойиҳасига иштирок этиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Чўкирли” маҳалласида яшовчи Мусурмонқулов Ўктамга “Ўзбекистон” ҳудудидан боғдорчилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:

1398/01-41

29.06.2020 й

А.Самадов